

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**НУРҚУЛОВ ЭЛДОР НУРМУМИНОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ОЛОВБАРДОШ  
МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА  
УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

**Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Нуркулов Элдор Нурмунинович**

Маҳаллий хомашёлар асосида оловбардош материаллар олиш  
технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш.....3

**Нуркулов Элдор Нурмунинович**

Разработка технологии получения огнестойких материалов на основе  
естного сырья и их применение.....21

**Nurkulov Eldor Nurmuminovich**

The development of technology for taking fire-resistant materials on the basis  
of local-raw materials, and their application.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**НУРҚУЛОВ ЭЛДОР НУРМУМИНОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ОЛОВБАРДОШ  
МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА  
УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/T2247 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tktiti.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Бекназаров Ҳасан Сойибназарович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Мухамедғалиев Бахтиёр Абдукадирович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Мухиддинов Баходир Фахриддинович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.T.87.01 рақамли Илмий кенгашнинг «10» 2022 йил соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шуробозор Тел.:(+99895)199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: ooo\_tniixt@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин. (№5 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шуробозор Тел.:(+99895)199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: ooo\_tniixt@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил «28» 2022 куни тарқатилди.  
(2022 йил «28» 2022 даги 2 рақамли реестр баённомаси)



**А.Т. Джалилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф., академик

**Ш.Д. Ширинов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, т.ф. PhD

**Ш.Н. Қиёмов**  
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф. PhD.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда самарали ноорганик ва органик антипиренлар ҳамда қавариқланувчи ёнғинбардош полимер композицион қопламаларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Уларни кимё саноати, қурилиш, машинасозлик, нефт ва газ саноати ҳамда бошқа соҳаларда кенг қўллаш орқали ёнғин хавфсизлигини камайтириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Кўплаб фойдали жиҳатлари билан бир қаторда, антипиренлар билан ишлов берилган материалларнинг ёнғин хавфи бир неча баробарга камаяди. Шунинг учун, дунёда ёнувчан материалларнинг оловбардошлигини оширувчи хусусиятга эга бўлган олигомер антипиренлар ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг оптимал таркибларини яратиш ва таъсир этиш механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда юқори самарали антипиренлар ва қавариқланувчи ёнғинбардош полимер композицион қопламалар ишлаб чиқаришни ўз ичига олган йўналишлар бўйича мақсадли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, ёнғинбардош материаллардан фойдаланиш учун фосфор, азот, бор ва металл гуруҳли олигомер антипиренлар асосида ёнувчан материалларнинг оловбардошлигини ошириш мақсадида кўп функцияли антипиренларни ишлаб чиқиш, оловбардош хоссаларини ошириш ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда инновацион технологиялар асосида азот, фосфор, бор ва металл ва бошқа моддалардан ташкил топган турли кимёвий таркиблар яратилган бўлиб, ушбу антипиренлар ёрдамида ёнғинбардош материалларни олиш бўйича маълум илмий ва амалий натижаларга эришилган, айниқса, янгича ёндашувларга асосланган, азот, фосфор, бор ва металл сақлаган олигомер антипиренларни яратиш бўйича муҳим чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»<sup>1</sup>га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хомашёлар асосида азот, фосфор, бор ва металл сақлаган олигомер антипиренлар ҳамда қавариқланувчи композитлар ишлаб чиқариш учун иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги ПҚ–4992-сон “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 23 май кунидаги ПҚ–4335-сон “Қурилиш материаллари саноатини жадал

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 2019 йилнинг 12 февраль кундаги ПҚ–4186-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ёнғинбардош материалларни олиш ва қўллаш технологиясини яратиш бўйича Хоанг Тхань Хай, Cinausero N., Batistella A., Ling Sun, Sertsova A.A., Wennan Li, Yi-Wei Wang, Ruiqing Shen, Qingsheng Wang, Триполицын А.А., Еремина Т.Ю., Николаева Е.А., Альменбаев М.М., Зубкова Н.С., Сабирзянова Р.Н., Микитаев А.К., Джалилов А.Т., Самигов Н.А., Набиева И.А., Рафиков А.С., Мухиддинов Б.Ф., Акбаров Х.И., Мухамедғалиев Б.А., Нурқулов Ф.Н., Сиддиқов И.И., Бекназаров Х.С. ва бошқа олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Илмий изланишлари натижасида ушбу олимлар томонидан ёнғинбардош материалларни яратиш мақсадида антипиренлар олишнинг турли усуллари, уларни олиш жараёнига турли хил технологик омилларнинг таъсири ҳамда структура ва хоссаларини яхшилаш, иқтисодий ва экологик самарадор технологияларини ишлаб чиқиш каби масалаларини ўрганишда бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Ҳозирда ёнувчан материалларни ёнғиндан ҳимояловчи кимёвий бирикмалар асосидаги янги таркиблар яратиш орқали, тўқимачилик матолари, ёғоч, полимер ва бошқа материалларга антипиренлар билан модификациялашнинг замонавий янги усуллари ҳамда экологик ва иқтисодий самарадор технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И-БТ-2021-66 (2021-2022й) «Разработка новой технологии получения алюмосиликатной микросферы из золо-шлаковых отходов» мавзусидаги инновацион лойиҳа ҳамда ПЗ-202008061 (2021-2023 йй) “Янги авлод олигомер антипиренларни қўллаб ёғоч қурилиш материаллари ва буюмларининг оловбардошлигини ошириш ресурс тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий хомашёлар асосида оловбардош қавариқланувчи композит материаллар таркибини яратиш, уларни иқтисодий ва экологик самарадор технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ноорганик ва органик бирикмалар асосида азот, фосфор, бор ва металл сақлаган олигомер антипиренлар ҳамда қавариқланувчи композитлар олиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш;

оловбардош ҳамда қавариқланувчи олигомер антипиренларни ёнувчан материалларга қўллашнинг оптимал нисбатларини аниқлаш;

олигомер антипиренлар билан ишлов берилган ёнғинбардош материалларни ёнғин техник талаблари асосида кислород индекси, ёнувчанлиги ва тутун ҳосил қилиш коэффициентини аниқлаш;

олигомер антипиренлар билан ишлов берилган ёнғинбардош материалларни физик-механик ва кимёвий хоссаларни ўрганиш;

олигомер антипиренлар ва қавариқланувчи оловбардош композит материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида аммофос, карбамид, металл оксидлари, фосфор, азот, бор ва металл сақлаган олигомер антипиренлар ҳамда ёнувчан материаллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** фосфор, азот, бор ва металл гуруҳли олигомер антипиренлар билан ёнувчан материалларга ишлов бериш, ушбу материалларнинг физик-кимёвий, механик хоссаларини ўрганиш ҳамда улар асосида ёнғинбардош материаллар олиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар натижасида олинган моддаларнинг тузилиши ва хоссаларини тадқиқ этишнинг замонавий усуллари, жумладан, инфрақизил спектроскопия (ИҚ-спектроскопия), сканерловчи электрон микроскопия (СЭМ), термогравиметрия (ТГ) таҳлил усуллари ҳамда ёнғинбардош материалларнинг физик-механик, оловбардош хоссаларини аниқлашда стандарт усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар асосида оловбардош қавариқланувчи композит материаллар олиш учун бор, азот, фосфор ва металл сақлаган полифосфат аммоний, меламинаформальдегид, меламин, борат кислота ва карбамид асосидаги аддуктлар ёрдамида олигомер антипиренларнинг янги таркиблари ишлаб чиқилган;

олинган 103, 104, 103-МФ, НА-3, А-17 ва 36-А маркали олигомер антипиренлар ҳамда ушбу антипиренлар асосида олинган Э-67-1, Э-67-2 ва Э-24 маркали оловбардош қавариқланувчи қопламалар билан ишлов беришнинг оптимал концентрациялари ёғоч материалларга 15-20%, тўқимачилик материалларга 10-12%, полимер материалларга 30% ҳамда оловбардош қавариқланувчи қопламаларга 25% гача бўлиши аниқланган;

103, 104, 103-МФ, НА-3, А-17 ва 36-А маркали олигомер антипиренлар ҳамда ушбу антипиренлар асосида олинган Э-67-1, Э-67-2 ва Э-24 маркали оловбардош қавариқланувчи қопламалар билан ишлов берилган

материалларни ёнғинбардошлилигига кўра I-гурухига мансублиги ҳамда оловбардош қавариқланувчи қопламаларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги ва ушбу жараёнларнинг вақтга боғлиқлиги 4 (60-мин) гуруҳга мансублиги аниқланган.

олигомер антипиренлар ва қавариқланувчи оловбардош композит материаллар олишнинг энергия ва ресурс тежамкор технологияси ишлаб чиқилган ҳамда уларни иқтисодий ва экологик самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар асосида оловбардош қавариқланувчи композит материаллар олиш учун бор, азот, фосфор ва металл сақлаган полифосфат аммоний, меламинформальдегид, меламин, борат кислота ва карбамид асосидаги аддуктлар ёрдамида олигомер антипиренларнинг янги таркиблари ишлаб чиқилган ва уларни қўллашнинг оптимал нисбатлари аниқланган;

103, 104, 103-МФ, НА-3, А-17 ва 36-А маркали олигомер антипиренлар билан ишлов берилган оловбардош материалларни кислород индекси 18-19 % дан 30-34 % гача ортиши исботланган;

ҳамда Э-67-1, Э-67-2 ва Э-24 маркали оловбардош қопламаларни қавариқланиш коэффициентлари Кв-10 дан юқори эканлиги аниқланган;

олигомер антипиренлар ва қавариқланувчи оловбардош композит материаллар олишнинг энергия ва ресурс тежамкор технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган материалларнинг идентификациясига асосланган хулосалар ва тавсиялар, юқори информацион, замонавий физик-кимёвий, механик усуллардан (инфрақизил спектроскопияси (ИК), СЭМ ва термогравиметрик (ТГ)) фойдаланилганлиги, тажриба ва назарий тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги ҳамда ишланманинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги самарадор бор, фосфор, азот ва металл сақлаган олигомер антипиренлар ҳамда қавариқланувчи қопламалар ишлаб чиқилганлиги, уларни ёнувчан материаллар билан ҳосил қилган композитларининг хусусиятлари тадқиқ этилганлиги, шунингдек, олинган натижалар ёнғинбардош материалларнинг назарияси ва амалиётини ривожлантириш учун муҳим ўрин тутиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги самарадор олигомер антипиренлар билан ёнувчан материалларга ишлов бериш ҳамда қавариқланувчи қопламалар олиш технологияси ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, ёнғин тарқалишини дастлабки босқичидаёқ чеклашнинг асосий омили бўлган фосфор, азот, бор ва металл сақлаган олигомер антипиренларни амалиётга жорий қилишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёнувчан материаллар оловбардошлигини оширувчи фосфор, азот, бор ва металл гуруҳли олигомерларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:



фосфор, азот, бор ва металл сақлаган олигомер антипирен ва қавариқланувчи композит таркиблар “Шуртангаз кимё мажмуаси” МЧЖ да амалиётга жорий қилинган (“Шуртангаз кимё мажмуаси” МЧЖ нинг 2021-йил 2-июлдаги 001/3230-сон маълумотномаси) Натижада фосфор, азот, бор ва металл сақлаган олигомер антипиренлар асосида қавариқланувчи композитларнинг оптимал таркибини ишлаб чиқиш имконини берган;

ёнувчан материалларни ёнғиндан химоялаш мақсадида яратилган фосфор, азот, бор ва металл сақлаган олигомер антипирен ва қавариқланувчи композит таркибларни олиш технологияси “Шуртангаз кимё мажмуаси” МЧЖ муваффақиятли амалиётга жорий қилинган (“Шуртангаз кимё мажмуаси” МЧЖ нинг 2021-йил 2-июлдаги 001/3230-сон маълумотномаси). Натижада, импорт ўрнини босувчи юқори сифатли олигомер антипирен ва қавариқланувчи композитларни маҳаллий маҳсулот сифатида қўллаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг натижалари 18 та, жумладан 12 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 5 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 115 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончлилиги, апробацияси ва натижаларнинг нашр қилиниши, диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ёнғинбардош материалларнинг таркиби, тузилиши ва ёниш жараёнининг механизмларини ўрганиш» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси билан боғлиқ бўлган органик ва ноорганик антипиренлар таркиби, тузилиши, дунёда ва республикамизда қўлланилишининг қисқача таснифи, антипиренларнинг самарадорлиги, ёғоч материалларнинг ёнғинбардошлигини антипиренлар билан ошириш механизми ва хусусиятлари, полимер материалларнинг ёнғинбардошлигини антипиренлар билан ошириш механизми ва физик-

кимёвий хусусиятлар бўйича илмий изланишлар муҳокама этилган ҳамда ушбу боб бўйича хулоса келтирилган.

Диссертациянинг “Маҳаллий хомашёлар асосида олигомер антипиренлар ва композитларни олиш ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш” деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланиладиган кимёвий моддаларнинг хусусиятлари, тадқиқот усуллари ҳамда оловбардош материаллар олишда 103, 104 (аммофос, карбамид), 103-MF (меламин-формальдегид смола, янги маҳаллий хомашёлар асосида синтез қилинган 104-103 маркали аммоний полифосфат), НА-3 ( $H_3PO_4$ ,  $(NH_2)_2CO$ ,  $ZnO$ ,  $H_3BO_3$  асосида), А-17 ( $H_3PO_4$ ,  $(NH_2)_2CO$ ,  $Al_2O_3$ ,  $Na_2B_4O_7$ ) ва 36-А ( $NH_4H_2PO_4$ ,  $(NH_2)_2CO$ ,  $Al_2O_3$ ,  $C_6H_{12}N_4$ ) маркали олигомер антипиренлар ҳамда Э-67-1 (777- маркали акрил-стирол сополимер эмулсияси, пентаэритрит, маҳаллий полифосфат, меламин, ПВХ, титан (IV)-оксид), Э-67-2 (777- маркали акрил-стирол сополимер эмулсияси, пентаэритрит, металл сақлаган аддукт, олтингугурт сақлаган аддуктнинг сувли эритмаси, сув) ва Э-24 (Эпоксид смоласи ЭД-20, 36-А маркали аддукт (Аммофос, карбамид, алюминий оксид, уротропин), титан (IV)-оксид) маркали ёнғинбардош қавариқланувчи полимер композит таркибларни яратиш ва физик-кимёвий хоссаларини таҳлиллар асосида ўрганиш натижалари ва усуллари келтирилган.

Полимер моддаларни ёнғинбардошлик хоссаларини яхшилаш учун синтез қилинган таркибида фосфор-, азот-, бор- ва металл тутган НА-3 маркали ёнғинбардош қўшимчаларни олишда асосан ортофосфат кислота ( $H_3PO_4$ ), карбамид ( $(NH_2)_2CO$ ), рух оксид ( $ZnO$ ) ва борат кислота ( $H_3BO_3$ ) асосида синтез қилинган. Ёнғинбардош қўшимча олиш бир вақтда иккита кимёвий идишда олиб борилади. 1-идишда ортофосфат кислота рух оксид билан 130-140 °С реакцияга киришади, 2-идишда карбамид борат кислота билан 150 °С реакцияга киришади. Реакциялар 30 дақиқа давом этади. Ҳосил бўлган иккинчи идишдаги модда биринчи идишга солиниб реакция 150-160 °С 15 дақиқа давом эттирилади. Олинган модданинг ИҚ-спектр, сканерловчи электрон микроскоп тасвирлари, элемент таҳлиллари ўрганилган. Олинган НА-3 маркали антипиреннинг умумий формуласи қўйидагича:



Олинган НА-3 маркали антипиренни оптимал шароитлари, физик – кимёвий хоссалари тадқиқ этилган бўлиб асосан юқори унум билан олинган антипиренни таркиби бўйича маълумотлар берилган. Қўйида 1-жадвалда

янги юқори самарали бўлган НА-3 маркали антипиреннинг физик-кимёвий хоссалари ва эритувчиларга таъсири ўрганилган.


Бундан ташқари турли хил шароитларда ва нисбатларда кўплаб тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар натижасида олинган ёнғинбардош қўшимчанинг унумдорлиги ҳароратга ва таркибий қисмларнинг нисбатига боғлиқлиги аниқланди. Оптимал реакция ҳарорати 150-160 °С ни ташкил қилади.

### 1-жадвал

#### НА-3 маркали антипиреннинг физик-кимёвий хоссалари

Номи	НА-3 маркали антипирен
Агрегат ҳолати ва ранги	Оқ рангли қаттиқ модда
pH	6,5
Зичлиги, г/см <sup>3</sup>	1,23
Пхв	0,056
Массаси (криоскопия)	765
Эрувчанлиги (22°С)	Сув (20г/100мл)

НА-3 маркали ёнғинбардош қўшимчанинг ИҚ-спектр таҳлилларидан маълум бўлдики, 3329,14-3431,36 см<sup>-1</sup> ютилиш соҳасида NH<sub>2</sub> гуруҳининг, 3219,19 см<sup>-1</sup> ВОН гуруҳи, 1674,21 см<sup>-1</sup> ютилиш соҳасида –С=О гуруҳи, 1120,64 см<sup>-1</sup> ютилиш соҳасида –РО<sub>4</sub><sup>3-</sup> гуруҳи, 1035,77 см<sup>-1</sup> ютилиш соҳасида Р–О–С боғининг мавжудлигини кўрсатди (1-расм).




#### 1-Расм. НА-3 маркали антипиреннинг ИҚ-спектроскопияси таҳлили

Диссертациянинг “Маҳаллий хомашёлар асосида оловбардош материаллар олиш, уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ этиш” деб номланган учинчи бобида маҳаллий хомашёлар асосида олинган антипиренлар қўлланган ёғоч, полимер материаллари ва қаварикланувчи қопламаларнинг термик барқарорлиги тадқиқ этилган. Тадқиқотларимиз натижасида эпоксид смоласи, маҳаллий хомашёлар асосида олинган 36-А маркали аддукт ва 104 маркали полифосфат аммоний асосида Э-24 маркали ёнғинбардош қаварикланувчи қоплама олдик. Олинган қоплама ва эпоксид смоланинг термик таҳлиллари солиштириб ўрганилди.

НА-3 маркали антипирен қўшилган полиэтиленнинг сканерловчи электрон микроскоп (СЭМ) ва элемент таҳлиллари ўрганилди. СЭМ таҳлил қилинганда полиэтилен юзасида бир текисда тарқалганини кўриш мумкин, бу полиэтиленнинг иссиқликка барқарорлигини оширади. Натижада, антипиреннинг полиэтиленга қўшилиши ёнишнинг интенсивлигини

пасайтириш учун анча термик барқарор тўсиқни яратиши ва шу билан полиэтиленнинг хавфсизлигини фаол равишда яхшилаши мумкин (2-расм).




**2-Расм. Фосфор, азот, металл тугган антипирен қўшилган полиэтиленнинг сканерловчи электрон микроскоп ва элемент таҳлили**

Олинган тасвирлардан антипирен билан ишлов берилган полиэтилен намуналари юзасида антипирен малекулалари бир хилда тарқалганини кўриш мумкин. НА-3 маркали антипирен билан полиэтиленга ишлов берилганда, улар ўз хоссаларини ва ёнғинбардошлик хоссасини сақлаб қолиши аниқланди.

Барча турдаги ёғоч материаллари ёнувчанлик гуруҳи бўйича ўта хавфли гуруҳга кириши адабиётлардан маълум. Шундан келиб чиқиб биз синтез қилган 103; 103-МФ; НА-3; А-17 маркали антипиренлари билан қарағай (сосна) дарахтидан тажриба учун тайёрланган ёғоч материалларига ишлов бериш орқали ёғочнинг ёнғинга барқарор композитлари олинган. Ушбу олинган ёнғинбардош ёғоч материалларни ГОСТ 12.1.044-89 ва ГОСТ 16363-98 га мувофиқ аниқланди.


Тадқиқотларимиз натижасида синтез қилинган юқори самарали ёнғинбардош хусусиятга эга бўлган 103; 103-МФ; НА-3; А-17 маркали антипирен ва аналог сифатида фойдаланилган антипиренларни ёғочга махсус ваннадан (махсус усул) фойдаланган ҳолда 40-50°C ҳарорат таъсирида 1-1,5 соат давомида шимдирилди, ҳамда оддий шароитда икки қатлам шётка ёрдамида суртилган, шу билан бирга пульверизатор билан икки маратоба сепиш орқали ёғочни ёнғин бардошлилиги ўрганилди.



**3-Расм. Ёғоч (қарағай) материалларни антипиренлар билан махсус усулда шимдириш орқали қийин ёнувчи гуруҳини аниқлаш**

Махсус усулда шимдириш 3-расмда келтирилган бўлиб энг яхши натижалар олинган ва ушбу таркиблар асосида чуқур шимдириш катта самарадорликка эга эканлиги аниқланди. Яъни ёғоч материалларини антипиренлар билан ишлов бериш натижасида қўйидаги ўртача масса йўқотишларга эришилди: 103 маркали антипирен масса йўқотиши 5,3 %; 103-MF маркали антипирен масса йўқотиши 3,6 %; НА-3 маркали антипирен 6,5 % ва А-17 маркали антипирен эса 7,8 % ни ташкил этди. Ушбу натижалар ГОСТ асосида текширилганда ёнувчанлик гуруҳи I гуруҳга кириши аниқланди.

Фосфор сақлаган 103 ва 103-MF маркали олигомер антипиренларни тўқимачилик материалларига ишлов берилиб олинган композитларнинг ёнувчанлигини ГОСТ 12.1.044-84 асосида кислород индекси ўрганилди. 5 % дан 15% гача миқдорида фосфор сақлаган олигомер антипирен таркиблар билан целлюлозали тўқимачилик материаллари асосида олинган ёнғинбардош композитлар таркибидаги кислород кўрсаткичи (КИ) 28-34% ни ташкил қилиши тажриба натижалари орқали аниқланди. Антипиренлар билан ишлов берилган ва ишлов берилмаган целлюлозали тўқимачилик материалларнинг самарадорлиги кислород индекси бўйича баҳоланди. Назорат намунаси осон ёнадиган тўқимачилик материаллари синфига киради ва ушбу материални кислород индекси адабиётларда берилишича ҳамда тадқиқот натижаларида ўрганилишича 18-19% ни ташкил қилади.




#### 4-расм. Фосфор сақлаган олигомер антипиренлар билан ишлов берилган тўқимачилик материалларни кислород индексига таъсирини ўрганиш

Турли марказдаги фосфор сақлаган антипиренлар билан ишлов берилган целлюлозали тўқимачилик материалларининг кислород индекс анализи ёрдамида ўрганишга кўра, антипирен билан ишлов берилган целлюлоза тўқимачилик материалларининг ёнғинга барқарорлиги юқори эканлигини кўрсатди. Ёнғинбардош тўқимачилик материалларни КИ кўрсаткичлари 18 % дан 34% гача, ошиб борган бўлиб, бу антипирен концентрациясини ошиши билан КИ кўрсаткичлари шунга мос равишда ўсиб боради. Маълумотлар 4-расмда кўрсатилган.

Таклиф этилаётган 104, 103-MF ва 36-A маркали олигомер антипиренларни полиэтиленга қўшиш натижасида олинган композитларни хоссалари ўрганилди.

Ушбу антипиренлар таркибидаги фосфор, азот, бор ва металл гуруҳлари ёниш жараёнида полимер юзасида кокс қатлам ҳосил қилади, бу эса иссиқлик ўтказишни камайтиради ва алангани тарқалишини олдини олади.



### 5-расм. Фосфор сақлаган олигомер антипиренлар қўшилган полимер материалларни кислород индексига таъсирини ўрганиш ГОСТ-12.1.044-84


Диссертацияда ёнғинбардош қавариқланувчи қопламаларнинг (ЁҚК) ёнғинбардошлиги ва қўшимча бир нечта хоссаларини таққослаш учун Россияда ишлаб чиқилган МПВО, Пламкор-5, Жокер М маркадаги қавариқланувчи ёнғинбардош қопламалар билан Республикамизда фаолият юритаётган Тошкент кимё технология илмий - тадқиқот институтида ишлаб чиқилган Э-67-1; Э-67-2 ва Э-24 маркали қавариқланувчи ёнғинбардош қопламаларнинг таркиби, қўлланилиш имкониятлари, зичлиги, учувчан моддаларнинг масса улуши (куруқ қолдиқ) каби хоссалари таққосланди. Тадқиқот натижаларига кўра Э-24 ва Э-67-1 маркали композитлар таркибига 104, 103, 103-MF, НА-3, А-17 ва 36-А маркали олигомер антипиренларни турли нисбатларда қўшилиши натижасида уларни қавариқланиш коэффициентлари ( $K_B$ ) аниқланди. Унга кўра тадқиқ этилаётган қоплама металл пластинка юзасига 1 мм қопланди ва 600°C ҳароратда 5 минут давомида муфельний печда қўйилди. Қавариқланиш коэффициентини ( $K_{вс}$ ) аниқлашда қавариқланган (интумесцент) қатлам қалинлиги ( $h_{вс}$ ) ҳамда қопламанинг бошланғич қатлами ( $h_0$ ):

$$K_{вс} = h_{вс} / h_0$$


Э-24 маркали ёнғинбардош қавариқланувчи қопламаларда 25% да турли антипиренлар қўшилганда қавариқланиш коэффициентини  $K_{вс}$  17-56 га тенглиги аниқланди. (6-расм). Э-67-1 маркали ёнғинбардош қавариқланувчи қопламаларда 25 % миқдорда антипиренлар қўшилиши натижасида қавариқланиш коэффициентини  $K_B$  12-42 га тенглиги аниқланди. (7-расм).

Шундай қилиб тақлиф этилаётган ёнғинбардош қопламалар ГОСТ билан солиштирилганда барча маркадаги антипиренларни 20-25% қўшилишидан олинган Э-24 ва Э-67-1 маркали композитларнинг қавариқланиш коэффициентлари юқори эканлиги аниқланди. Шу билан бирга Э-24 маркали қоплама таркибига 25% гача 36-А маркали антипирен қўшилиши бошқа

композитлар ҳамда аналогларга (*Ланролат-803* (Кв-35); *Терма-S* (Кв-60); *Пламкор-5* (Кв-50)) нисбатан энг юқори натижани кўрсатди.



**6-Расм. Турли нисбатларда олинган 104, 103, 103-МҒ, HA-3 ва 36-A маркали олигомер антипиренлар билан эпоксид смоласи асосидаги Э-24 маркали композитни қавариқланиш коэффициентлари (Кв)**



**7-Расм. Турли нисбатларда олинган 104, А-17, 103-МҒ, HA-3 ва 36-A маркали олигомер антипиренлар билан эпоксид смоласи асосидаги Э-67-1 маркали композитни қавариқланиш коэффициентлари (Кв)**

Тадқиқ этилаётган ёнғинбардош қавариқланувчи қопламаларни энг муҳим хусусиятлардан бири қоплама юзасида иссиқликни тақсимланиши ҳамда қопламадан иссиқлик оқимини ўтиши ва ушбу жараёнларнинг вақтга боғлиқлиги асосий хоссалардан бири ҳисобланади. Ушбу хусусиятлар ГОСТ-Р-53295-2009 бўйича аниқланади. Бунда металл пластинкани қоплама билан қопланган томони ва қоплама билан қопланманган томонларни махсус иссиқлик таъсири натижасида бир томондан, иккинчи томонга иссиқликни 500°C ҳароратгача ўлчашга асосланган. 8-расмдан кўришиб турибдики қопламага иссиқлик таъсир этиши натижасида вақти-вақти билан қавариқланиш ҳосил бўлаётганлигини кузатиш мумкин.




Э-24 маркали композит



Э-67-1 маркали композит

### 8-Расм. Ёнғинбардош қавариқланувчи композитларни иссиқлик таъсирида вақти - вақти билан қавариқланиш жараёни



### 9-Расм. Ёнғин таъсири натижасида қоплама юзасида иссиқликнинг тақсимланиши ҳамда қопламадан иссиқлик оқимининг ўтиши ва ушбу жараёнларни вақтга боғлиқлиги.


Тажриба синов натижаларига кўра синтез қилинган Э-24, Э-67-1 ва Э-67-2 маркали ёнғинбардош қавариқланувчи қопламаларни ёнғинбардошлиги ГОСТ-Р-53295-2009 асосида қопламадан иссиқлик оқимини ўтиши ва ушбу жараёнларни вақтга боғлиқлиги аниқланди ва ушбу ГОСТ га кўра 7 гурпуада таклиф этилаётган қопламалар 4 ва 5 гурпуаларга мансублиги синов тажрибалар орқали аниқланди.

Диссертациянинг “Маҳаллий хомашёлар асосида оловбардош материалларни олишнинг замонавий технологияси ҳамда иқтисодий самарадорлигини ишлаб чиқиш” деб номланган тўртинчи бобида маҳаллий хомашёлар асосида олинган олигомер антипиренлар ҳамда ёнғинбардош қавариқланувчи композитларни олишнинг самарадор технологиясини ишлаб чиқиш билан бирга қўллашнинг оптимал миқдори ва иқтисодий самарадорлиги ўрганилган. Органик бирикмалар билан бирга таркибида фосфор, азот, бор ва металллардан иборат бўлган аддуктлар асосида юқори самарали ёнғинбардош хусусиятга эга олигомер антипиренлар



олинган ҳамда уларни қўллашнинг самарадор миқдорлари ўрганилиши билан бирга амалиётда ишлаб чиқаришнинг самарали технологиялари таклиф этилган.

Тадқиқот натижалари асосида яхши натижаларга эга бўлган НА-3 маркали олигомер антипирен Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида 500 кгдан ортиқ миқдорда ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланилган. НА-3 маркали олигомер антипиренни олишнинг технологик схемаси 10-расмда келтирилган.



1-ортофосфат кислота учун сиғим; 2-рух оксид учун сиғим; 3-карбамид учун сиғим; 4-борат кислота учун сиғим; 5,6,7- реактор; 8-қурутиш печи; 9-майдалагич; 10-қадоқлаш; 11-омбор

### 10-расм. НА-3 маркали олигомер антипирен олишнинг технологик схемаси

Ушбу усул билан НА-3 маркали олигомер антипирен композитини олишда асосан (1) ортофосфат кислота ( $H_3PO_4$ ), (2) карбамид ( $(NH_2)_2CO$ ), (3) рух оксид ( $ZnO$ ) ва (4) борат кислота ( $H_3BO_3$ ) учун сиғимлар ёрдамида (5) ва (6) реакторларга бошланғич хомашёлар қўйилади. Шундан келиб чиқиб ёнғинбардош қўшимчаларни олиш бир вақтда иккита реакторда олиб борилади. (5) реакторга ортофосфат кислота ва рух оксид солинади ҳамда  $130-140\text{ }^\circ\text{C}$  ҳароратда аралаштирилади. (6) реакторда карбамид ва борат кислота билан  $150\text{ }^\circ\text{C}$  ҳароратда аралаштирилади. Жараён 30 дақиқа давом этади. Ҳосил бўлган аралашмалар (7) реакторга солинади ва  $150-160\text{ }^\circ\text{C}$  ҳароратда 15 дақиқа давом эттирилади. Сўнгра ҳосил бўлган антипирен маҳсулоти (8) қурутиш печида сувсизлантирилади ва (9) майдалагичдан ўтказилади. Кукин ҳолатдаги олигомер антипирен маҳсулотлари (10) махсус жихозлар ёрдамида қадоқланади ва (11) омборда сақланади.

**Маҳаллий хомашёлар асосида олинган антипиренлар асосидаги ёнғинбардош қавариқланувчи полимер қопламаларни “Шуртангаз кимё мажмуаси” МЧЖ да ишлаб чиқариш шароитида металл конструкцияларга қўллашнинг оптимал миқдорини тадқиқ этиш.** Ёнғинбардош қавариқланувчи қопламаларни олиш усули мавзуси бўйича илмий янгилик учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигига IAP-20210014 талабнома топширилган. Ушбу металл конструкциялар учун оловбардош қавариқланувчи полимер композит қопламаларни 12.02.2021 йилдан 01.02.2022 йилгача бўлган вақт давомида

“ТКТИТИ” МЧЖ ва «Шуртангаз кимё мажмуаси» вакиллари билан ҳамкорликда Шуртангаз кимё мажмуаси этилен цехи олтингургурт қадоқлаш бўлими бино ва иншоотларнинг ташқи юк кўтарувчи металл конструкциялари ва ички юк кўтарувчи металл конструкцияларни оловдан, иссиқлик таъсиридан ҳамда кимёвий моддалар таъсирида келиб чиқадиган каррозиядан ҳимоялаш мақсадида синов тажриба ишлари амалга оширилди. 2-жадвалда биз синтез қилган қавариқланувчи полимер қопламалар ҳамда чет элдан келтирилган аналогларни металл конструкциялари юзасига қоплашдаги сарфи ва ёнғинбардошлиги тадқиқ этилди. Натижада олинган Э-67-1, Э-67-2 ва Э-24 маркали қавариқланувчи ёнғинбардош қопламалар аналоглар билан рақобатбардош эканлиги аниқланди.

## 2-жадвал

### Ёнғинбардош қавариқланувчи полимер композитларни сарфи

Маҳаллий ва аналог ЁҚҚ маркалари	ЁҚҚ лар / мезонлар	
	Қоплама қалинлиги 10-15 мм; сарфи. кг/м <sup>2</sup>	Ёнғинбардошлик самарадорлиги, мин
Э-67-1	3,0	60
Э-67-2	2,5	60
Э-24	2,5-3,0	60
Пламкор-5 (Россия)	2,5-3,0	60
Огнезащитное покрытие "СОВЕР" (Россия)	2,7	60
ФЛАМЕР® ЭП (Россия)	2,5-3,0	60

Таклиф этилган ёнғинбардош қопламалар бино ва иншоотларни ташқи ва ички юк кўтарувчи металл конструкцияларни юза қисмига қопланилди ҳамда уларни барқарорлиги ўрганилди.



**Бино ва иншоотларни ташқи ва ички юк кўтарувчи металл конструкцияларни полимер композит қопламалар билан ишлов берилишини умумий кўриниши.**

Синов тажриба жараёнлари натижасида ташқи ва ички юзага мўлжалланган полимер қопламаларнинг кўриниши, об-ҳаво таъсирларига чидамлилиги қишки ҳароратни пастлиги, баҳор ойларидаги турли ёғингарчиликларга барқарорлиги, ёзни биринчи ойидаги ҳароратни баландлиги ҳамда кимёвий моддалар таъсирида келиб чиқадиган коррозиядан ҳимоялаш даражаси юқори эканлиги аниқланди. Ушбу синов тажрибалардан келиб чиқиб, оловбардош қавариқланувчи полимер композит қопламалардан фойдаланиб, металл конструкцияларини оловдан, юқори ҳароратдан ҳамда кимёвий моддалар таъсиридан ҳимоялашда қўллаш мумкинлиги аниқланди.

Ёнувчан материалларни ёнғиндан ҳимоялаш мақсадида яратилган фосфор, азот, бор ва металл сақлаган олигомер антипирен таркиблар “SVERXBELПРОЕКТ” МЧЖ, “Cotton Road” ҚК МЧЖ, ва “Шарқ текс люкс” МЧЖ тўқимачилик матолари ишлаб чиқариш корхоналарида ҳамда “Шуртангаз кимё мажмуаси” МЧЖ муваффақиятли амалиётга жорий қилинган (“Шуртангаз кимё мажмуаси” МЧЖ нинг 2021 йил 2 июлдаги 001/3230-сонли маълумотномаси). Олинган антипиренларнинг самарадорлиги чет эл аналоглари билан бир хил хоссага эга, шу билан бирга экологик ва иқтисодий самарадорлиги 30-40% эканлиги аниқланди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Маҳаллий хомашёлар асосида оловбардош қавариқланувчи композит материаллар олиш учун бор, азот, фосфор ва металл сақлаган полифосфат аммоний, меламинаформальдегид, борат кислота ва карбамид асосидаги аддуктлар ёрдамида олигомер антипиренларни олиш технологияси таклиф қилинди.

2. Олигомер антипиренлар қўлланилган полимер, ёғоч, тўқимачилик материаллари ва ёнғинбардош қавариқланувчи композит қопламаларининг тузилиши ва хоссаларини тадқиқ этишнинг замонавий усуллари, жумладан, инфрақизил спектроскопияси (ИҚ-спектроскопия), сканерловчи электрон микроскопия (СЭМ), термогравиметрия (ТГ) таҳлил усуллари ҳамда ёнғинбардош материалларнинг физик-механик, оловбардош хоссаларини стандарт усуллардан фойдаланилган ҳолда аниқлаш таклиф этилди.

3. Ёғоч, тўқимачилик материаллари, полимер материаллари ва ёнғинбардош қавариқланувчи полимер композит қопламаларни ёнғинбардошлигини ошириш мақсадида янги авлод олигомер антипиренлар олиш имконини яратувчи бор, азот, фосфор ва металл сақлаган композитлар билан оловдан ҳимоя қилиш жараёнининг таъсир механизми таклиф этилди.

4. 103, 104, 103-МҒ, НА-3, А-17 ва 36-А маркали олигомер антипиренлар билан ишлов берилган ёғоч, тўқимачилик ва полимер материаллар ҳамда Э-67-1, Э-67-2 ва Э-24 маркали ёнғинбардош қавариқланувчи полимер композитларни оловбардош хусусияти, ёнғин таъсирида масса йўқотилиши, кислород индекси ва физик-механик хоссалари тадқиқ этилди. Оловбардош хусусиятига кўра қийин алангаланувчи

материалларга кириши аниқланди ҳамда кислород индекси ошганлиги тажриба синовлар асосида аниқланди.

5. Ёнғинбардош материалларни олишда, чет эл аналоглари билан рақобатбардош бўлган янги 103, 104, 103-МФ, НА-3, А-17 ва 36-А маркали олигомер антипиренлар ҳамда Э-67-1, Э-67-2 ва Э-24 маркали ёнғинбардош қавариқланувчи полимер композитларни ишлатилиши тавсия этилди. Олинган антипиренларнинг самарадорлиги чет эл аналоглари билан бир хил хоссага эга, шу билан бирга экологик ва иқтисодий самарадорлиги 30-40% гача юқори эканлиги аниқланди.

6. Олигомер антипиренлар ва ёнғинбардош қавариқланувчи композит қопламалар Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти базасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган ҳамда олинган оловбардош материаллари “SVERXBELПРОЕКТ” МЧЖ, “Cotton Road” ҚК МЧЖ, ва “Шарқ текс люкс” МЧЖ тўқимачилик матолари ишлаб чиқариш корхоналарида ҳамда “Шуртангаз кимё мажмуаси” МЧЖ муваффақиятли амалиётга жорий қилинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ  
ТЕХНОЛОГИИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ  
ИНСТИТУТ ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

**НУРКУЛОВ ЭЛДОР НУРМУМИНОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ОГНЕСТОЙКИХ  
МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ И ИХ  
ПРИМЕНЕНИЕ**

**02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.2.PHD/T2247**

Диссертация выполнена в Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.tkiti.uz](http://www.tkiti.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)

**Научный руководитель:** Бекназаров Хасан Сойибназарович  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Мухамедгалиев Бахтиёр Абдукадирович  
доктор химических наук, профессор  
Мухиддинов Баходир Фахриддинович  
доктор химических наук, профессор

**Ведущая организация:** Бухарский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «10» авг 2022 г. в «9<sup>00</sup>» часов на заседании Ученого совета DSc.16/30.12.2019.T.87.01 при Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии по адресу: 111116, Ташкентская область, Ташкентский район, п/о Шурабазар. Тел.: (+99895)199-22-43, факс: (+99870)965-77-16, e-mail: ooo\_tniixt@mail.ru).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии за № 11, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, п/о Шурабазар, Тел.: (+99895)199-22-43, факс: (+99870)965-77-16, e-mail: ooo\_tniixt@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «28» авг 2022 года.

(протокол рассылки № 2 от «28» авг 2022 г).



**А.Т. Джалилов**  
Председатель научного совета  
По присуждению ученых степеней,  
д.х.н., проф., академик

**Ш.Д. Широин**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, PhD тех

**Ш.Н. Қиёмов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, PhD тех

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире растет спрос на эффективные неорганические и органические антипирены и вспученные огнестойкие полимерные композиционные покрытия. Одним из наиболее актуальных вопросов является снижение пожарной безопасности за счет широкого применения антипиренов в химической, строительной, машиностроительной, нефтегазовой и других отраслях промышленности. Помимо многочисленных преимуществ, пожароопасность материалов, обработанных антипиренами, снижается в несколько раз. Поэтому в мире актуальна разработка олигомерных антипиренов, обладающих свойством повышать огнестойкость горючих материалов, а также совершенствовать механизм их оптимального состава и воздействия.

Сегодня в мире ведутся целенаправленные исследования в области производства высокоэффективных антипиренов и гофрированных огнеупорных полимерных композиционных покрытий. В связи с этим особое внимание уделяется разработке многофункциональных антипиренов, совершенствованию их горючести и технологии производства с целью повышения горючести горючих материалов на основе олигомерных антипиренов группы фосфора, азота, бария и металлов для применения их в горючих материалах.

В республике на основе инновационных технологий созданы различные химические соединения, состоящие из азота, фосфора, бора и металлов и других веществ, и достигнуты определенные научные и практические результаты, также проводятся важные меры по созданию олигомерных антипиренов, содержащих азот, фосфор, бор и металлы, которые достигли определенных результатов в этой области мероприятий. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены важные задачи, направленные на «освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособных отечественных товаров на внешних и внутренних рынках»<sup>1</sup>. При этом важна разработка экономичных и экологически чистых технологий производства олигомерных антипиренов, содержащих азот, фосфор, бор и металлы на основе местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4992 от 13 февраля 2021 года «О мерах по дальнейшему реформированию и финансовому оздоровлению предприятий химической промышленности, развитию производства химической продукции с высокой добавленной стоимостью» и постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-4335 от 23 мая 2019 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов» и от 12 февраля 2019 года «О мерах по

---

<sup>1</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан ПП №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

дальнейшему углублению реформ и расширению экспортного потенциала текстильной и швейно-трикотажной промышленности», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики VII «Химическая технология и нанотехнология».

**Степень изученности проблемы.** По получению огнестойких материалов и создания технологий применения провели научные исследования ученые Хоанг Тхань Хай, Cinausero N., Batistella A., Ling Sun, Sertsova A.A., Wennan Li, Yi-Wei Wang, Ruiqing Shen, Qingsheng Wang, Триполицын А.А., Еремина Т.Ю., Николаева Е.А., Альменбаев М.М., Зубкова Н.С., Сабирзянова Р.Н., Микитаев А.К., Джалилов А.Т., Самигов Н.А., Набиева И.А., Рафиков А.С., Мухиддинов Б.Ф., Акбаров Х.И., Мухамедгалиев Б.А., Нуркулов Ф.Н., Сиддиков И.И., Бекназаров Х.С. и другие.

В результате своих научных исследований эти ученые провели ряд исследований различных методов получения антипиренов для создания огнестойких материалов, влияния различных технологических факторов на процесс их производства и улучшения их структуры и свойств, разработки экономически эффективных и экологически чистых технологий.

В настоящее время ведутся научные исследования по совершенствованию современных новых методов модификации горючих материалов на основе химических соединений противопожарной защиты, антипиренов для текстильных тканей, дерева, полимеров и других материалов, а также экологически чистых и экономичных технологий.

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.**

